

Туркияда халқаро Қуръон мусобақаси ўтказилади



19:32 / 22.10.2024 1432

2024 йил 23-31 октябрь кунлари Туркиянинг Шанли Урфа вилоятида «Туркия Қуръони каримни ёд олиш ва гўзал тиловат қилиш бўйича халқаро мусобақанинг 9-сессияси» бўлиб ўтади.

Мазкур мусобақада юртдошимиз «**Ҳидоя**» ўрта махсус ислом таълим муассасасининг 4 босқич, 50-гуруҳ талабаси Аббосхон Обидов Саидмурод ўғли иштирок этади. Аббосхон қори эртага Туркия давлатига жўнаб кетади.

Шу муносабат билан Аббосхон қори бугун «**Қуръон ва тажвидни ўргатиш**» бўлимига ташриф буюриб, устоз, шайх Алижон қоридан керакли кўрсатма ва хайрли дуоларни олди.